

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА  
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА  
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**РАЖАБОВ ҚУРБОН НУРМАМАТОВИЧ**

**ТИЗЗА БЎҒИМИ ЁЗУВЧИ АППАРАТИ ЖАРОҲАТЛАРИНИ  
ТАШХИСЛАШ ВА ЖАРРОХЛИК ДАВОЛАШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.22 – Травматология ва ортопедия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Ражабов Қурбон Нурмаматович**

Тизза бўғими ёзувчи аппарати жароҳатларини ташхислаш ва жаррохлик даволашни такомиллаштириш..... 3

**Ражабов Қурбон Нурмаматович**

Усовершенствование диагностики и хирургического лечения повреждений разгибательного аппарата коленного сустава..... 19

**Rajabov Kurbon Nurmatovich**

Improvement of diagnostics and surgical treatment of injuries of the extensor apparatus of the knee joint..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 39

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА  
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА  
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**РАЖАБОВ ҚУРБОН НУРМАМАТОВИЧ**

**ТИЗЗА БЎҒИМИ ЁЗУВЧИ АППАРАТИ ЖАРОҲАТЛАРИНИ  
ТАШХИСЛАШ ВА ЖАРРОХЛИК ДАВОЛАШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.22 – Травматология ва ортопедия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Tib96 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.uzniito.uz](http://www.uzniito.uz)), «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги веб-саҳифаларида ([www.uza.uz](http://www.uza.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ирисметов Муроджон Эргашевич**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Уринбаев Пайзилла Уринбаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Хамраев Алишер Шахобович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етақчи ташкилот:**

**Бухоро давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «29» сентябр соат 15.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри, Махтумқули кўчаси, 78 уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали – он-лайн).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (27 -рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100147, Тошкент шаҳри, Махтумқули кўчаси, 78 уй. Тел.: (+99871) 233-10-30.

Диссертация автореферати 2020 йил «15» сентябр куни тарқатилди.  
(2020 йил «15» сентябр даги 27 рақамли реестр баённомаси).



**А.М.Джураев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси ўринбосари,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**У.М.Рустамова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,  
тиббиёт фанлари номзоди, катта илмий ходим

**А.П.Алимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори (DSc)

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Тизза бўғими ёзувчи аппарати (ТБЁА) жароҳатлари оёқлар функциясининг кўпол бузилишига сабаб бўлувчи оғир жароҳатлар тоифасига киради. «ТБЁА жароҳатларини хирургик даволашнинг қониқарсиз натижалари 13,2-28,1%ни ташкил қилади»<sup>1</sup> ва бу, айниқса, эскирган жароҳатларда яққол кўзга ташланади. Ушбу жароҳатлар туфайли тизза бўғимининг (ТБ) анатомик тузилмаси, шу жумладан «...бўғим функцияси кўпол равишда бузилиши, даволашнинг қониқарсиз натижалари ва иш қобилиятининг пасайиши ҳамда йўқолиши...»<sup>2</sup> юз беради.

Ҳозирги пайтда дунёнинг ривожланган мамлакатларида ТБЁА жароҳатларини ташхислаш ва даволаш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жароҳатларни ауто-аллопластика ва ксеноматериаллар билан пластика қилиш усуллари ишлаб чиқилмоқда. Ўта эластик имплантлар, полиэфир ва никелид титан ипларидан фойдаланиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Эскирган жароҳатларни даволашнинг рационал босқичма-босқич бажариладиган хирургик тикловчи усуллари такомиллаштирилмоқда. Пателлоэктомия ва тизза қопқоғини қисман резекция қилиш йўли билан бажариладиган операция усуллари, тизза қопқоғининг ташқи чиқишларида пай чокларининг янги турлари, жароҳатнинг эрта муддатларида кесимсиз пайни ёпиқ ҳолатда тиклаш операциялари, кўш халқали пластика усуллари ишлаб чиқилмоқда. Хамстринг мушаклари пайлари ёрдамида тикловчи хирургик усуллар такомиллаштирилмоқда. Бинобарин, ушбу усулларнинг катта кесимлар орқали амалга оширилиши, фиксация учун махсус имплантларнинг кераклиги, операцияларнинг юқори травматиклиги, амалиётдан кейинги реабилитация даврининг узунлиги, ТБ фаолиятини тиклангандан кейин қолдиқ асоратларнинг юзага келиши ва меҳнатга лаёқатсизлик муддатининг чўзилиши, айнан эскирган жароҳатларнинг кам учраши туфайли, уларни даволаш усуллари такомиллаштириш масаласига кам эътибор берилганлиги муаммонинг долзарблигини тасдиқлайди.

Мамлакатимизда тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини, юқори технологик тиббий хизматни ривожлантириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, уларга «...аҳолининг соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш...»<sup>3</sup> юзасидан муҳим вазифалар киритилган. Тиббий ёрдамни яхшилаш, жумладан, диагностика ва даволашни янада такомиллаштириш, замонавий технологияларни жорий

<sup>1</sup> Кайдалов С.Ю., Ланшаков В.А., Панов А.А., Баховудинов А.Х. Отдаленные результаты применения сверхэластичных имплантов из никелида титана в лечении поврежденных разгибательного аппарата коленного сустава / Сибирский медицинский журнал, 2013, Том 28,1. С.83-87.

<sup>2</sup> Дьячкова Г.В., Бакарджиева А.Н., Дьячков К.А. Определение чувствительности и специфичности МРТ и УЗИ при обследовании больных с повреждениями элементов коленного сустава / Гений ортопедии, 2014, №1. С.21-29

<sup>3</sup> Постановление Президента Республики Узбекистан от 19 декабря 2018 года ПП-№4063 «О мерах профилактики неинфекционных заболеваний, поддержке здорового образа жизни и повышению уровня физической активности населения»

қилиш ҳамда беморларга тиббий хизмат сифатини яхшилаш тадқиқотнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-№4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-№5590-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» Фармонлари; 2017 йил 20 июндаги №ПП-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши маълум жиҳатдан хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Medline, Cochrane, Embase, Elsevier, PubMed ва Medscape каби Халқаро библиографияси ва бошқа базалардаги ТБЁА жароҳатларига бағишланган жаҳон адабиёти таҳлили шуни кўрсатдики, ТБ хирургиясида клиник амалиётга артроскопия, боғлам аппаратини тиклаш хирургияси, ТБ эндопротезларининг татбиқ қилиниши натижасида радикал ўзгаришлар юз берди. Чет эл мамлакатлари статистикаси кўрсатадики, ТБЁА фаолиятининг бузилиши ТБ артропластикасидан кейин 0,17-2,5% ташкил қилади (Robert J. Schoderbek Jr., Thomas E. Brown, Kevin J. Mulhall, Varatharaj Mounasamy et al., 2006) ва улар хирургик коррекцияни шикастдан кейинги дастлабки соатларда амалга оширишни тавсия қиладилар ва амалиёт усули афзаллигини тўла анатомик ва функционал резервлар тикланиши билан боғлиқ деб ҳисоблайдилар (De Baere T., Geulette B., Manche E., Barras L., 2002; Gregory H. Lee, Patrick Mc. Cullloch, Brain J. Cole, Charles A. Bush-Joseph and all, 2008; James M. Gregory, Seth L. Sherman, Richard Mather, Bernard R. Bach Jr., 2012; Mahmoud Jabalameli, Abolfazi Bagherifard, Hosseinali Hadi, Amin Yoosefzodeh and all, 2018). ТБЁА содир бўлувчи муаммолар ТБ эндопротезлашдан кейинги қайта операцияларнинг 12% ҳолатларига сабабчи бўлади (Кавалерский Г.М., Мурылев В.Ю., Холодаев М.Ю., Рукин А.Я., Рубин Г.Г., 2014). Боғламларнинг шикастланиши натижасида юзага келадиган ностабиллик тизза бўғимининг анатомик структураларини ҳаддан ташқари зўриқишига, биомеханиканинг, бўғим юзаси конгруэнлигини бузилишига олиб келади ва бу эса ўз навбатида бўғимнинг бирламчи ўзгармаган тузилмаларида сурункали дегенератив-дистрофик жараёнларга тортилиши натижасида пайдо бўлувчи артрозга, жисмоний фаолиятнинг чекланишига, меҳнат қобилиятни пасайишига ва охир-оқибат ногиронликка олиб келади (Кузнецов И.А. Фомин Н.Ф., Шулепов Д.А., Рябинин М.В, 2014; Gerald Mc Ginty, James J. Irrgang, 2000). Шу муносабат билан тизза бўғими ёзувчи аппарати шикастланган беморларни даволаш муаммоси ҳозирги кунда ўзининг охирги ечимидан узоқда. Бунга кўп ҳолларда ташхис қўйишнинг кечиктирилиши ва етарли

даражада ишончли жаррохлик даво усулларининг йўқлиги, баъзи муаллифлар томонидан жаррохлик даво усулларида қайд қилинган юқори даражадаги қониқарсиз натижаларнинг мавжудлиги мисол бўлиб, бу 13,2-28,1% гача бўлган ҳолатларни ташкил қилади(Смирнова Н.В., 2009; Кайдалов С.Ю., 2012; Дошлова Д.В, 2013).

Мамлақатимизда ўтказилаётган тадқиқотларда тизза бўғими ёзувчи контрактураларини ташхислаш усуллари такомиллаштирилган, янги операция кесим йўллари ва операция усуллари, операциядан кейинги беморларни реабилитацияси ишлаб чиқарилган ва ушбу усулларнинг афзалликлари исботланган (Ирисметов М.Э., 2016 йил), ТБ юмшоқ тўқималари релизи, тенолизи ва теномомияси, бўғим юзалари кичик дефектларида микрофрактуризация каби операция усуллари ишлаб чиқилган (Эшназаров К.Э., 2018). Хақимов Р.Н. (2007) фикрига кўра, ТБ артрозларида артротомия амалиётдан кейинги асоратларнинг камайишига, тоғайнинг чуқур туннелизацияси эса унинг тикланишига олиб келади. Холмуродов У.Т. (2019) ўзининг тадқиқотида ТБ шикастларининг ўткир даврида ТБнинг эрта артротомияси афзалликларини исботлаган. Усмонов Ф.М (2020) ўзининг тадқиқотларида олдинги бутсимон боғлам жароҳатларида кўш тутамли лавсанопластика усулининг афзалликларини ҳамда ТБ кўрсаткичлари ва ҳолати асосида дифференциал ёндашув самаралилигини исботлаган. Бироқ, ТБЁА жароҳатларини ташхислаш ва даволаш тактикаси, беморларни операциядан кейинги олиб бориш усуллари етарлича ёритилмаган, тизза қопқоғи хусусий боғлами узилишларида унинг ўрнига ва ҳолатига боғлиқ ҳолда даволаш тактикаси етарлича асосланмаган.

Охириги йилларда ўтказилган баъзи тадқиқотларда ТБЁА юмшоқ тўқимали элементларини тиклашда юқори эластиклик хусусиятга эга никелид титан каби синтетик материаллар юқори инновацион ютуқ эканлиги таъкидланган (Кайдалов С.Ю., 2012). Маҳаллий ва хорижий адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ТБЁА жароҳатларида, оператив давонинг мувоффақияти пайлар уланиш соҳасидаги юқори механик мустаҳкамликка эришишга боғлиқ (Смирнова Н.В, 2009; Fred D.Cushner, W. Norman Scott, Giles R. Scuderi, 2014). ТБЁА таркибида тизза қопқоғининг мавжудлиги ва пайларнинг етарлича узунликка эга кўп қаватли ҳалқасимон тузилиши инобатга олган ҳолда кўшимча материаллар ишлатмасдан ТБ эрта ишлатиш имконини берувчи, тўрт бошли мушак атрофиясини ва тизза бўғими контрактураси ривожланишини олдини олиш имконини берувчи атравматик фиксация усулини ишлаб чиқиш замонавий травматологиянинг энг долзарб муаммоларидан биридир (Кайдалов С.Ю., 2012; Robert A. Magnussen, Sebastien Lusting, Guillaume Demey, Hisham Masdar, 2012; Saragaglia D., Pison A., Rubens-Duval B., 2013 ). Ушбу муаммони ечимини излаш ва ҳал қилиш нафақат асоратлар сонининг камайишига олиб келади, балки катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан мослиги.** Диссертация мавзуси Республика ихтисослашган травматология ва ортопедия

илмий амалий тиббиёт марказининг илмий текшириш ишлари режасига мувофиқ НТП–11-сон «Тиббиётда касалликларни ташхислаш, даволаш, олдини олишнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш йўли билан аҳоли саломатлигини яхшилаш» ҳамда АТСС–15-7.1.-сон «Чаноқ-сон ва тизза бўғимлари касалликларининг оператив даволаш усулларини такомиллаштириш» лойихаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тизза бўғими ёзувчи аппарати жароҳатларида ташхислаш ва жаррохлик йўли билан даволаш усулларини такомиллаштириш орқали даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тизза бўғим ёзувчи аппарати жароҳатларида контраст мультиспирал компьютер томография ўтказиш асосида ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш;

тизза қопқоғи хусусий боғламининг дистал ва проксимал қисмидан эскирган дефектли узулишларида қисқа вақт ичида бўғимнинг анатомик бутунлиги ва функциясини тиклаш имконини берувчи янги жаррохлик усулларини ишлаб чиқиш;

тизза бўғими ёзувчи аппарати жароҳатларида беморларда жаррохлик муолажасидан кейинги реабилитация методикасини ишлаб чиқиш;

тизза бўғими ёзувчи аппарати жароҳатларида жаррохлик муолажасидан кейинги яқин ва узоқ натижаларни ўрганиш асосида ишлаб чиқилган усулларнинг самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика ихтисослашган травматология ва ортопедия илмий амалий тиббиёт марказининг катталар травматологияси ва спорт травмаси бўлимларида 2011-2019 йиллар давомида ТБЁА жароҳатлари билан даволанган беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ТБЁА жароҳатлари бўлган беморларда ўтказилган клиник, рентгенологик, ультратовуш, электромиографик, магнитно-резонанс томографик (МРТ) ва мультиспирал компьютер томографик (МСКТ) ва статистик текширув натижалари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни амалга ошириш давомида клиник, рентгенологик, электромиографик, ультратовуш, МРТ, контрастли МСКТ ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** куйидагилардан иборат:

тизза қопқоғи хусусий боғламининг проксимал нуқсонли узилишларида катта болдир суяги ғадир-будирлигидан олинган суяк трансплантатини тизза қопқоғи пастки кутбининг ўрта қисмига жойлаштириш йўли билан бажариладиган аутопластика усули ишлаб чиқилган;

тизза қопқоғи хусусий боғламининг дистал нуқсонли узилишларида боғламнинг қолдиқ қисмини иккала суяклар (тизза қопқоғи ва катта болдир суяги) асосларига трансоссаль равишда полиэфир ипи ёрдамида зигзагсимон мустахамлаш йўли билан бажариладиган хирургик даволаш усули ишлаб чиқилган;

тизза қопқоғи хусусий боғламининг проксимал ва дистал нуқсонли узилишларида боғлам қинига контраст модда юбориш йўли билан



мультиспирал компьютер текширувларини бажариш боғламнинг тузилиши ва нуқсонлари ҳақида ишончли маълумотлар бериши исботланган;

тизза қопқоғи хусусий боғламнинг проксимал ва дистал нуқсонли узилишларини хирургик даволашдан кейинги таклиф этилган уч босқичли комплекс реабилитация усули максимал қисқа вақт ичида тизза бўғимининг ёзилиш функциясини тиклаш имкониятини бериши ва тўрт бошли мушак гипотрофиясини чуқурлашишини олдини олиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Контрастли МСКТ қўллаш орқали ишлаб чиқилган ташхислаш мезонлари тизза бўғими ёзувчи аппаратининг эскирган жароҳатларида тизза қопқоғининг ретракция даражасини ва жаррохлик муолажаларининг оптимал усулини танлаш имконини бериши асосланган;

ишлаб чиқилган тизза қопқоғи хусусий боғламини эскирган узилишларини жаррохлик даволаш усуллари кам жароҳатлилиги, махсус қўшимчи инструментлар ва имплантлар талаб қилмаслиги, суяк асослари орқали боғланиши ҳисобига иммобилизация даврини қисқарганлиги ва тизза бўғими эрта ишлатиш имконини бериши ва туман тиббиёт бирлашмалари даражасида бажарилиши мумкинлиги асосланган;

тизза бўғими ёзувчи аппарати жароҳатланган беморларда жаррохлик муолажасидан кейинги ишлаб чиқилган реабилитация усули тизза бўғими ёзиш функциясини эрта муддатда тўлиқ тиклаш имконини, тўрт бошли мушак атрофиясини кучайишини ва тизза бўғими контрактурасини, ТБ букилиш ва ёзилиш ҳаракатлари етишмовчилигини олдини олиши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** замонавий ва амалиётда кенг миқёсда ишлатиладиган клиник, рентгенологик, ультратовуш, электронейромиографик, магнитно-резонанс томография ва мультиспирал компьютер томография текширувлари етарли миқдорда текширувлардан ўтган беморлар сони, хулосаларнинг асосланганлилиги ҳамда маълумотларни аналитик ва статистик қайта ишлаш орқали исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ТБЁА жароҳатларини ташхислашда контрастли МСКТ ўтказиш орқали тизза қопқоғи хусусий боғламнинг анатомик узилиш локализацияси, тизза қопқоғини ретракция даражасини аниқлаш ва таклиф қилинган оператив даво усуллари қўллаш ТБ функциясини яхшилашга олиб келган, шунингдек бу усулларни қўллашда контрастли МСКТ тегишли операция усулини танлаш имконияти исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тавсия қилинган ташхислаш ва жаррохлик усуллариининг самаралилиги, жаррохликдан кейинги босқичли реабилитация усули беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини бериши ва боғламнинг қайта узилиш имконини йўқотиши, тизза бўғими фаолиятининг эрта тикланиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** ТБЁА жароҳатларини ташхислаш, жаррохлик даво усуллариини ва жаррохликдан кейинги

реабилитация усулларини такомиллаштириш бўйича ўтказилган текширувлар натижалари асосида:

«Тизза қопқоғи хусусий боғламини тиклаш усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 22 ноябрдаги 8н-р/520-сон маълумотномаси). Олинган натижалар тизза қопқоғи хусусий боғламини дистал қисмидан эскирган узилишларини иккита суяк асоси ҳисобига тиклаш орқали натижаларнинг яхшиланиши имконини берган;

«Тизза қопқоғи хусусий боғламини проксимал қисмидан дефектли узилишларини даволаш усули ва жаррохликдан кейинги олиб бориш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 22 ноябрдаги 8н-р/516-сон маълумотномаси). Олинган натижалар тизза қопқоғи хусусий боғламини проксимал қисмидан дефектли узилишларини суяк бўлаги билан аутопластика қилиш орқали тизза бўғими функциясининг нисбатан тез тикланишига олиб келишини исботлаш имконини берган;

«Тизза қопқоғи хусусий боғламини тиклаш усули» ихтироси тасдиқланган (Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти №IAP 04827, 10.01.2014). Олинган натижалар тизза қопқоғи хусусий боғламини дистал қисмидан узилишларини тиклашга имкон берган;

«Тизза қопқоғи боғламининг узилишини даволаш усули» ихтироси тасдиқланган (Интеллектуал мулк агентлиги №IAP 05896, 19.07.2019). Олинган натижалар тизза қопқоғи хусусий боғламини проксимал қисмидан узилишларини тиклашга имкон берган;

ТБЁА жароҳатларини ташхислаш ва жаррохлик даволашни жорий қилиш жараёнида олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази клиникасида, Республика шошилинч тез ёрдам илмий маркази Бухоро филиалида, Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида амалий фаолиятга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йилнинг 29 ноябрдаги №8н-д/292 маълумотномаси). Таклиф қилинган диагностика ва даволаш усулларининг тадбиқ қилиниши ТБЁА жароҳатланган беморларда даволаш натижалари яхшиланишига, жумладан ТБ ёзилиш функциясининг тўлиқ тикланишига олиб келган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола, жумладан, 9 таси республика журналларида нашр этилган, 2 та ихтирога патент олинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, қисқартмалар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тизза бўғими ёзувчи аппарати жароҳатларини ташхислаш ва жаррохлик даволашни ҳолати (абадиётлар таҳлили)**» деб номланган биринчи бобида ТБЁАнинг жаррохлик анатомияси, биомеханикаси ёзувчи аппарат элементларининг яқдил фаолияти, жароҳатлар патогенези, этиологияси ва учраш частотаси ҳақидаги саволлар бўйича адабиётлар шарҳи тақдим этилган. ТБЁА жароҳатларини ташхислашни ўзига хослиги келтирилган. ТБЁА нинг жароҳатларини тиклашни турли жаррохлик усуллари, уларнинг устунлик ва камчиликлари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Клиник материал тавсифи ва қўлланган текшириш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материаллар умумий характеристикаси берилган, шунингдек беморларни текширишда фойдаланилган усуллар билан таништирилган.

Илмий ишда ЎзР ССВ Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий марказида 2011 йилдан 2019 йилгача тизза бўғими ёзувчи аппарати жароҳатлари билан даволанган 16 ёшдан 77 ёшгача бўлган беморларнинг ташхис ва даволаш натижалари таҳлили ўтказилган. Текширувдан ўтган беморларнинг 76 тасини эркақлар ташкил қилиб, фоиз нисбати бўйича 69,1% ни, 34 таси аёллар бўлиб, 30,9% ни ташкил қилди. Тизза бўғими ёзувчи аппарати жароҳатлари асосан меҳнатга лаёқатли ёшли беморларда 87 та (79,1%) учради. Тизза бўғими ёзувчи аппаратини жароҳатланишларида жароҳатланиш локализацияси бўйича қуйидаги таркибда тақсимланди: тўрт бошли мушак жароҳатланиши 12 та (10,91%) беморда, тизза қопқоғи синишлари 63 та (57,27%) беморда, тизза қопқоғи хусусий боғламнинг жароҳатлари 35 та (31,82%) беморда.

Тизза қопқоғи хусусий боғлами жароҳатларида ўтказилган даво муолажасининг турига қараб беморлар икки гуруҳга бўлинди. Биринчи асосий гуруҳга 22 та тизза қопқоғи хусусий боғламнинг узилиш ўрнига қараб клиникамизда ишлаб чиқилган «Тизза қопқоғи хусусий боғламини тиклаш усули», (патент №ІАР 04827, 10.01.2014 йилдан) 13 та (59,1%) бемор (тизза қопқоғи хусусий боғлами дистал қисмидан узилишида), «Тизза қопқоғи боғламнинг узилишини даволаш усули» (патент №ІАР 05896, 19.07.2019 йилдан) 9 та (40,9%) бемор (тизза қопқоғи хусусий боғлами проксимал қисмидан узилишида) амалиёт ўтказилган беморлар киритилди.

Контрол гуруҳга эса тизза қопқоғи хусусий боғламини Каплан усулида тиклаш ўтказилган 13 та(37,1%) бемор киритилди.

Беморларни текширишда қуйидаги текшириш усулларидадан фойдаланилди: клиник, рентгенологик, электромиографик, ультратовуш текшируви, магнит-резонанс томография, контраст мультиспирал компьютер томографияси ва шунингдек статистик текширув усуллари. Бундан ташқари тизза бўғими фаолиятини субъектив баҳолаш учун J. Lysholm Knee Scoring Scale баҳолаш шкаласи бўйича анкеталаш ўтказилди.

Тизза қопқоғи хусусий боғлами эскирган узилишларида чандикли жараён локализацияси, ретракция даражаси, проксимал ёки дистал қисмдаги нуқсон мавжудлигини аниқлаш учун контраст билан мультиспирал компьютер томография ўтказилди ва ўтказиш тактикаси келтирилган.

Тизза бўғими ёзувчи аппаратининг рентгенологик, ультратовуш, магнит-резонанс томографик, контрастли мультиспирал компьютер томографик нормада ва жароҳатлардаги характеристикаси келтирилган.

Олинган маълумотларга Excel 7,0 дастури ёрдамида компьютерда статистик ишлов берилди. Студентнинг t-мезонига кўра 2,0 га тенг ёки кўп, ёки мослик 5% дан ( $p < 0,05$ ) кам бўлган ҳолатлар ишончли деб қабул қилинди.


Диссертациянинг «**Тизза бўғими ёзувчи аппарати шикастланишини даво усуллари таҳлил қилиш**» деб номланган учинчи боби тизза қопқоғи хусусий боғлами жароҳатларида биз ишлаб чиққан ва қўллаётган оператив усуллар тавсифи ва натижалар таҳлиliga бағишланган.

Биринчи кичик бўлим «Тизза қопқоғи хусусий боғлами дистал нуқсонли узилишларида тиклаш усули» бўлиб шу турдаги усул келтирилган. Шу усулни қўллашдаги кўрсатмалар, қарши кўрсатмалар ва жаррохлик амалиётидан олдинги тайёргарлик, жаррохлик учун зарурий инструментлар ва оғриқсизлантириш усуллари келтирилган.

Тизза қопқоғи хусусий боғламини биз томондан ишлаб чиқилган усулнинг моҳияти шундан иборатки, кесим қилиш, тизза қопқоғини пастга тушириш ва фиксацияловчи материалнинг эркин учларини катта болдир суяги ғадир-будурлигига тикиш ва ярани тикишдан иборат бўлиб, бунда 5-7 см ли кесим тизза қопқоғи пастки қирғоғидан 2 см баландда медиал томондан бошланиб, дистал йўналишда тизза қопқоғи хусусий боғлами ички қирғоғи бўйлаб давом эттирилади ва катта болдир суяги ғадир-будурлигидан медиал қирғоғидан 2 см пастда тугалланади, кейин тизза қопқоғи пастки кутбида дрел ёрдамида саггитал юзада 2 та тешик қилинади ва ушбу тешиклар орқали лавсан иплари ўтказилади кейин лавсан иплари боғлам қалинлиги бўйича проксимал қисмдан дистал қисм йўналишида зигзагсимон ўтказилади. Шундан сўнг катта болдир суяги ғадир-будурлигида дрел ёрдамида иккита канал қилинади. Лавсан ипларнинг эркин охири хосил қилинган канал орқали ўтказилади ва ғадир-будурлик соҳасига тикилади (1-расм).

Операция техникаси. Беморга тизза қопқоғи хусусий боғламини тиклаш учун орқа мия анестезияси остида, бемор орқасига ётган ҳолатда тегишли оёқга 2% йод эритмаси билан 3 марта ишлов берилгандан сўнг парамедиал кесим қилинади. Кесим узунлиги 7 см бўлиб тизза қопқоғи пастки кутбидан 2 см баландликда, медиал томондан бошланади ва дистал йўналишда тизза қопқоғи

хусусий боғлами ички қирғоғи бўйлаб давом эттирилди ва катта болдир суяги ғадир-будурлиги медиал томонидан 2 см пастда тўхтатилди. Ўткир ва ўтмас йўллар билан тизза қопқоғи хусусий боғлами ажратилди, бунда тизза қопқоғи хусусий боғлами узилган қисмидан чандикли ўзгарганлиги аниқланди. Узилган қисмдаги чандикли ўзгарган қисм чандик тўқималаридан тозаланди.




**1-расм. Тизза қопқоғи хусусий боғламини тиклаш амалиёти схемаси**

Тизза қопқоғи пастки қутбида сагиттал йўналишда иккита канал қилинди, ушбу каналлар орқали лавсан иплари ўтказилди ва кейин ласан ипларини тизза қопқоғи хусусий боғлами проксимал қисмидан дистал қисмига қараб боғлам қалинлиги бўйича зигзагсимон ўтказилди. Дрел ёрдамида катта болдир суяги ғадир-будурлиги соҳасида иккита канал қилинади шундан сўнг тизза қопқоғи пастга тортилиб, лавсан ипларнинг эркин охирлари хосил қилинган каналлар орқали ўтказилади ва катта болдир суяги ғадир-будурлиги соҳасига тикилади. Жаррохлик амалиёти давомида гемостаз, ярани ювиш ўтказилади. Жароҳатга қаватма-қават чоклар қўйилади. Асептик боғлам қўйилади ва «юқори этикча» типидagi гипсли боғлам 4 хафта муддатга қўйилади.

Иккинчи кичик бўлим «Тизза қопқоғи хусусий боғлами проксимал дефектли узулишларида даволаш усули» мос равишдаги усул келтирилган. Ушбу усулга кўрсатмалар, қарши кўрсатмалар, амлиётдан олдинги тайёргарлик, керакли инструментлар ва оғриқсизлантириш усуллари келтирилган. Жаррохлик амалиёти қуйидаги тартибда амалга оширилади. Беморга тизза қопқоғи хусусий боғламини тиклаш учун орқасига ётган ҳолатда орқа мия анестезияси остида тегишли пастки мучага 2% йод эритмаси билан 3 карра ишлов берилади. Тери ва тери ости ёғ қаватида кесим қилинади бунда кесим 6 см бўлиб тизза қопқоғи пастки қисми медиал юзасидан 2 см баландликда бошланиб тизза қопқоғи хусусий боғлами медиал қирғоғи бўйлаб дистал йўналишда давом эттирилади ва катта болдир суяги ғадир-будурлиги медиал юзасидан 2 см пастда тугатилади. Тизза қопқоғи пастки қутбида сагиттал

йўналишда 2 та канал қилинади ва ушбу каналлар орқали лавсан иплари ўтказилади кейинчалик тизза қопқоғи хусусий боғлами қалинлиги бўйлаб проксимал қисмдан дистал қисмга қараб зигзагсимон ўтказилади. Тизза қопқоғи хусусий боғлами дистал бирикиш қисмида катта болдир суяги ғадир-будурлиги ўрта қисмида 1,0x1,5x1,0 см ўлчамли суяк трансплантати ажратилади ва уни тизза қопқоғи хусусий боғламинан ажратмаган ҳолда проксимал йўналишда тизза қопқоғи хусусий боғлами ўрта қисмидан дистал қисмининг проксимал соҳасига 0,5 см қолгунча эни 1,5 суяк бўлаги билан аутотрансплантат ажратилади. Тизза қопқоғи пастки қутби ўрта қисми суяк усти пардасидан тозаланади. Ажратилган аутотрансплантат орқа ўгирилиб тизза қопқоғи пастки қутби тозаланган соҳасига қўйилиб фиксация қилинади. Тизза қопқоғи хусусий боғлами дистал қисмида ҳосил бўлган дефект тикилади. Дистал қисмда медиал ва латерал томондан лавсан иплари ёрдамида проксимал йўналишда зигзагсимон ўтказилади. Кейин проксимал ва дистал қисмларда ўтказилган медиал ва латерал томондаги лавсан иплари тортилиб ўзаро боғланади. Суяк трансплантатли аутотрансплантат қўшимча иплар ёрдамида тикилади. Жаррохлик амалиёти давомида гемостаз ва ярага виш ўтказилади. Жароҳатга қаватма-қават чоклар қўйилади ва кейин асептик боғлам қўйилади. Жаррохлик амалиёти охирида тегишли пастки мучага 4 ҳафта муддатга "юқори этикча" типиди гипсли боғлам қўйилади (2-расм).



**2-расм. Тизза қопқоғи боғлами узилишини даволаш усулининг схематик кўриниши**

Диссертациянинг «Тизза бўғими ёзувчи аппарати юмшоқ тўқимали компонентларини жаррохлик тиклашдан кейинги реабилитация» деб номланган тўртинчи боби тизза бўғими юзувчи аппарати юмшоқ тўқимали элементларини тикловчи жаррохлик муолажаларидан кейинги ўтказиладиган

реабилитация чора-тадбирларига бағишланган. Ребилитацион чора тадбирлар 3 та босқичга ажратилган.

Физик реабилитациянинг I босқичи (эрта жарроғлик муолажасидан кейинги давр - жаррохлик муолажасидан кейинги 1 ойгача). Бу босқичнинг вазифалари: жаррохлик муолажаси ўтказилган бўғимнинг трофикасини нормаллаштириш ва жаррохликдан кейинги яллиғланишни олдини олиш; жаррохлик муолажаси ўтказилган пастки мучани мускулларини қискариш фаолиятини стимуллаш, биринчи навбатда сон мускулларини; кам ҳаракатлилика қарши курашиш, беморнинг умумий меҳнатга лаёқатлилигини ушлаб туриш. Ушбу вазифаларни бажариш учун дастлабки 2 ҳафтада физиотерапевтик ва медикаментоз терапия қўлланилди, 2-ҳафтадан сўнг даволовчи жисмоний тарбия қўшилди. Бу босқич учун комплекс машқлар таклиф қилинган. Ушбу машқларни бажариш учун дастлабки ҳолат, миқдори (қайтарилиш сони ва темпи) ва бажарилиш шарти келтирилган.

Физик реабилитациянинг II босқичи (жаррохлик муолажасидан кейинги кечки давр жаррохлик муолажасидан кейинги 1 ойдан 2 ойгача) - жаррохлик муолажаси ўтказилган пастки мучанинг функционал тикланиш босқичи. Ушбу даврнинг вазифалари: тизза бўғими контрактурасини йўқотиш, нормал юришни тиклаш, кўп юришга ва маиший юкламаларга мослашиш, жаррохлик муолажаси ўтказилган пастки мучанинг мускулларини мустаҳкамлаш. Ушбу босқичда даволовчи жисмоний тарбияни (ДЖТ) қўллаш орқали тизза бўғимини актив ишлатиш ўтказилди. Босқич бошланишида оғриқни ва шишларни камайитириш тизза бўғимини ишлатишни енгиллаштириш мақсадида УВЧ ва ностероид яллиғланишга қарши препратлар геллари билан фонофорез каби физиотерапевтик муолажалар ўтказилди. Даволовчи жисмоний тарбия машқларини ўтказиш учун дастлабки ҳолат, миқдори (қайтарилиш сони ва темпи) ва бажарилиш шарти келтирилган.

Физик реабилитациянинг III босқичи (тикланиш даври жаррохлик муолажасидан кейинги 2- ойдан 3 ойгача) - жаррохлик муолажаси ўтказилган пастки мучанинг активлигинининг тикланиши. Ушбу даврнинг вазифалари жаррохлик муолажаси ўтказилган пастки мучанинг нафақат пассив балки актив тўлиқ ҳаракатлар амплитудасини тиклаш; сон мускулларини максимал кучини тиклаш; тизза бўғими фаолиятини ва умумий меҳнат фаолиятини тиклаш.

Ушбу босқичнинг асосий воститаси бу жисмоний машқлар бўлди. Машғулотларга табиий шароитда енгил югуриш қўшилди. Бу босқичда шунингдек қўл ёрдамида ва виброуқалашлар, мускуллар электростимуляцияси, УВЧ (тизза бўғимида трофикани яхшилаш учун) ва ностероид яллиғланишга қарши геллар билан фонофорез (хаддан ташқари юкламаларни асоратлари енгиллаштириш учун) муолажалари қўлланилган.

Диссертациянинг «**Тизза бўғими ёзувчи аппарати юмшоқ тўқимали компонентлари даво натижалари**» деб номланган бешинчи боби беморларда тизза бўғими ёзувчи аппарати жароҳатларини жаррохлик усулида даволаш натижалари келтирилган ва шунингдек хатоликлар ва асоратлар таҳлили келтирилган. 1 йил муддатгача бўлган яқин натижалар барча 110 та (100%)

беморда ўрганилган. Клиник кўрик ва анкеталаш 3, 6, 12 ойда ва кейинчалик 1 йилда 1 марта ўтказилган.

Асосий гуруҳдаги барча беморларда ўтказилган жаррохлик амалиётидан кейин мусбат динамика кузатилган.

Даво натижаларини таҳлил қилишда асосий ва назорат гуруҳдаги беморларда тизза бўғимини фаолияти Lysholm Knee Scoring Scale шкаласи билан комплекс баҳолаш ўтказилган.

Клиник инструментал текширув усулларида барча беморларда тизза бўғими 2та стандарт проекцияда рентгенография қилинган (баъзи ҳолатларда махсус ҳолатда), кўп ҳолларда ультратовуш текшируви, магнит-резонанс томография, контраст модда ёрдамида мультиспирал компьютер томографияси ўтказилган.

Беморларинг субъектив ҳолати ва тизза бўғимининг функционал тикланиши даражаси J. Lysholm Knee Scoring Scale шкаласининг ўлчови орқали рўйхатдан ўтказилган ва таҳлил қилинган.

Даво натижаларининг эффеқтивлик критериялари қилиб жаррохлик муолажаси ўтказилган тизза бўғимида ёзиш функциясининг, ҳаракат амплитудасининг, тўрт бошли мушак кучининг тикланиши, пастки муча фаолиятини тўлақонли тикланиши, организм умумий ҳолатини яхшиланиши, ушбу гуруҳдаги беморларда қилиб олинди.

Яқин ва узоқ даво натижаларини баҳолаш «яхши», «қониқарли» ва «қониқарсиз» деб белгиланди.

«Яхши» натижаларга тизза бўғимида ёзиш 175-180°, буқиш 40-50° ни ташкил қилиб, тўрт бошли мушак кучи тўлиқ тикланган, тўрт бошли мушак атрофияси 2,0 смдан ошмаган, тизза бўғимида оғриқ бўлмаган, Lysholm шкаласи бўйича тизза бўғими функцияси 84 баллдан кам бўлмаган, умумий ҳолатида ўзгаришлар йўқ, психоэмоционал ҳолатида кўрик пайтида ўзини бемор деб ҳисобламайдиган, меҳнат фаолиятини максимал қисқа вақт ичида тикланган (2 ойгача) беморлар киритилди.

«Қониқарли» натижаларга тизза бўғимида ёзиш 170-175°, буқиш 50-90° ни ташкил қилиб, тўрт бошли мушак кучи ярмига тикланган, тўрт бошли мушак атрофияси 2,0-3,5 смгача, тизза бўғимида бир оз оғриқ асосан физик юкламаларда пайдо бўлиб, тинчлик пайтида ўтиб кетадиган. Умумий ҳолатида юкламаларда дискомфорт сезадиган, психоэмоционал ҳолатида узоқ муддатли ва интенсив юкламаларда ўзини бемор сановчи, Lysholm шкаласи бўйича тизза бўғими функцияси тикланганлиги 64 баллдан кам бўлмаган беморлар киритилди.

«Қониқарсиз» натижаларга тизза бўғимида ёзиш 170° дан кам, буқиш 90° кўпни ташкил қилиб, тўрт бошли мушак кучи сезиларсиз тикланган, тўрт бошли мушак атрофияси 3,5 смдан кўп, тизза бўғимида енгил физик юкламаларда ҳам тез-тез пайдо бўлувчи оғриқларга. Доимий дискомфорт сезадиган, психоэмоционал ҳолатида кундалик юкламаларда ўзини бемор сановчи, Lysholm шкаласи бўйича тизза бўғими функцияси тикланганлиги 64 баллдан кам бўлган беморлар киритилди.



Узоқ натижалар 1 йилдан 7 йилгача муддатда 93 та (84,5%) беморда ўрганилган. Узоқ муддатли натижалар ҳам юқоридаги тарзда баҳоланди. Узоқ муддатли даврда олинган натижалар назорат гуруҳдаги Каплан усули бўйича традицион усулда жаррохлик муолажаси ўтказилган беморларнинг даво натижалари билан қиёсий таққосланди (1-жадвал).

### 1-жадвал

**Тизза бўғими ёзувчи аппарати юмшоқ тўқимали компонентларини даволашнинг узоқ муддатли баҳолаш натижалари (абсолют кўрсаткичлар)**

| Гуруҳлар | Узоқ муддатли натижалар баҳолари |       |             |      |              |      | Жами |
|----------|----------------------------------|-------|-------------|------|--------------|------|------|
|          | "Яхши"                           |       | "Қониқарли" |      | "Қониқарсиз" |      |      |
|          | абс                              | %     | Абс         | %    | абс          | %    |      |
| Назорат  | 5                                | 38,5  | 6           | 46,2 | 2            | 15,4 | 13   |
| асосий   | 16                               | 72,7* | 6           | 27,3 | 0            | 0    | 22   |

1-жадвалдан кўриниб турибдики, назорат гуруҳдаги 38,5% (n=5) беморда «яхши» натижа қайд қилинган бўлиб, айнан шу кўрсаткич асосий гуруҳдаги беморларда ишончли фарқ қилиб 72,7% (n=16) ташкил қилди ( $P < 0,05$ ).

«Қониқарли» натижалар назорат гуруҳда 46,2% (n=6) ҳолатда кузатилиб, бунда асосий гуруҳда шу кўрсаткич 27,3 (n=6) тенглашди. Кўриниб туриптики бу фарқ асосий гуруҳдаги беморларда «яхши» натижалар кузатилганидан келиб чиқади

«Қониқарсиз» натижалар назорат гуруҳда 2 та ҳолатда (15,4%) кузатилди. Асосий гуруҳда «қониқарсиз» натижа кузатилмади.

Юқорида баён қилинларга асосланган ҳолда шундай хулоса қилиш мумкинки, тизза қопқоғи хусусий боғлами жароҳатланган беморларда биз томондан таклиф қилинаётган усулларни қўллаш жаррохликдан кейинги яқин даврда қониқарли ҳаёт сифатига эришиш ва жаррохликдан кейинги 6 ойда яхши даражадаги маиший ва ижтимоий адаптация имконини беради.

Шундай қилиб, тизза қопқоғи хусусий боғлами турли хилдаги узилишларини даволашга йўналтирилган эффектив даво-реабилитацион чора тадбирлар комплекси етарлича клиник материал асосида ишлаб чиқилди ва асосланди. Тизза қопқоғи хусусий боғлами жароҳатланган беморларни ишлаб чиқилган ва такомиллаштирилган усуллар қўллаш анатомио- функционал натижаларни яхшилаш ва жаррохлик муолажасидан кейинги асоратлар ривожланишини камайтириш имконини берди. Ишлаб чиқилган жаррохлик амалиёти ва жаррохликдан кейинги беморларни олиб бориш усуллари технологик бўлиб, уларни кенг миқёсдаги клиник қўллашга имкон беради.

## ХУЛОСАЛАР

1. Тизза қопқоғи ёзувчи аппарати жароҳатларида контраст мультиспирал компьютер томографияни қўллашга асосланган ҳолда ишлаб чиқарилган ташхис меъзонлари тизза қопқоғи хусусий боғлами эскирган узилишларида дистал ёки проксимал нуқсоннинг мавжудлигини, чандиқ тўқимасининг

ўрнини, ретракция даражасини аниқлаш ва жарроҳлик муолажаси тактикасини аниқлаш имконини беради.

2. Ишлаб чиқарилган янги жарроҳлик усулларини тизза қопқоғи хусусий боғламини эскирган жароҳатларида жароҳатланиш тўлиқлиги, эскирганлик муддати, дистал ёки проксимал қисмдан узилганлиги характериға қараб қўллаш керак. Ўз навбатида бу усуллар кам жароҳатли бўлиб, махсус қўшимча инструментлар талаб қилмайди, стабил фиксация ва жароҳатланган бўғимда эрта ҳаракатланиш бошлаш имконини беради.

3. Ишлаб чиқилган тизза бўғими ёзувчи аппаратини тиклашдан кейинги системали комплекс физик реабилитация чора тадбирлари, беморларға тикланиш ва меҳнатға лаёқатсизлик муддатини қисқартириш имконини беради. Ушбу система тизза бўғими функцияси ва тўлиқ ҳаракат амплитудасини тиклаш ва шунингдек умумий меҳнатға лаёқатлилик муддатини жарроҳликдан кейин 1,5 ойдан 3 ойча тиклаш имконини беради.

4. Махсус программани қўллаш даволашда «яхши» натижаларни миқдорини назорат гуруҳиға нисбатан 34,2% га оширди ва 72,7% га чиқарди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ  
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ  
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ТРАВМАТОЛОГИИ И ОРТОПЕДИИ**  
**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ТРАВМАТОЛОГИИ И  
ОРТОПЕДИИ**

**РАЖАБОВ КУРБОН НУРМАМАТОВИЧ**

**УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДИАГНОСТИКИ И ХИРУРГИЧЕСКОГО  
ЛЕЧЕНИЯ ПОВРЕЖДЕНИЙ РАЗГИБАТЕЛЬНОГО АППАРАТА  
КОЛЕННОГО СУСТАВА**

**14.00.22 - Травматология и ортопедия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ - 2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2017.1.PhD/Tib96.

Докторская диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре травматологии и ортопедии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-страницах Научного совета ([www.uzniito.uz](http://www.uzniito.uz)), Информационно-образовательного портала «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) и Национального агентства Узбекистана ([www.uza.uz](http://www.uza.uz)).

**Научный руководитель:**

**Ирисметов Муроджон Эргашевич**  
доктор медицинских наук

**Официальные оппоненты:**

**Уринбаев Пайзилла Уринбаеви**  
доктор медицинских наук, профессор

**Хамраев Алишер Шахобович**  
доктор медицинских наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Бухарский государственный медицинский институт**

Защита диссертации состоится « 29 сентября 2020 г. в 15<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре травматологии и ортопедии (Адрес: 100147, г.Ташкент, ул. Махтумкули йули, 78. Тел.: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр травматологии и ортопедии).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра травматологии и ортопедии (зарегистрирован за № 27). Адрес: 100147, г.Ташкент, ул. Махтумкули, 78. Тел.: (+99871) 233-10-30.

Автореферат диссертации разослан « 15 » сентября 2020 года  
(реестр протокола рассылки № 27 от « 15 » сентября 2020 года)



**А.М. Джураев**  
Заместитель председателя Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**У.М. Рустамова**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, кандидат медицинских наук, старший научный сотрудник

**А.П. Алимов**  
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней доктор медицинских наук

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Повреждение разгибательного аппарата коленного сустава (РАКС) приводит к грубым нарушениям функций нижних конечностей и относится к категории тяжелых повреждений. «Неудовлетворительные результаты хирургического лечения повреждения РАКС составляют 13,2-28,1%...»<sup>1</sup>, и этот показатель особенно заметен при застарелых повреждениях. В результате подобных травм нарушаются анатомические структуры коленного сустава (КС), а также происходят «...грубые нарушения функции сустава, неудовлетворительные результаты лечения, снижение и утрата трудоспособности...»<sup>2</sup>.

В настоящее время в развитых странах мира проводится ряд научных исследований по диагностике и лечению повреждений РАКС. Разрабатываются методы пластического восстановления повреждений ауто-, аллопластическими методами и с использованием ксеноматериалов. Ведутся исследования по применению сверхэластичных имплантантов, полиэфирами и нитями никелед титана. Совершенствуются рациональные поэтапно выполняющиеся хирургические методы восстановления при застарелых повреждениях. Разрабатываются методы хирургических вмешательств, проводимые путем пателлоэктомии или частичной резекции надколенника, с использованием новых видов швов при наружных вывихах надколенника, при свежих случаях - закрытые методы восстановления связки, методы дублирующие аллопластику, также совершенствуются методы восстановления с использованием сухожилий Хамстринговой мышцы. Следовательно, реализация этих методов проводится путём больших разрезов и необходимостью специальных имплантов для фиксации, высокой травматичностью операций, длительностью послеоперационного реабилитационного периода, возникновения остаточных осложнений после восстановления функций КС и продления нетрудоспособности. За счёт малой встречаемости, именно застарелых повреждений, уделяется малое внимание на совершенствование методов лечения, что свидетельствует об актуальности проблемы.

В нашей стране принимаются масштабные меры по улучшению качества медицинской помощи, в том числе и высокотехнологичной медицинской помощи. К ним относится такие важные поставленные задачи, как «...формирование здорового образа жизни и повышение уровня физической активности населения...»<sup>3</sup>. Одним из актуальных направлений исследования является улучшение специализированной медицинской помощи, в том числе

---

<sup>1</sup> Кайдалов С.Ю., Ланшаков В.А., Панов А.А., Баховудинов А.Х. Отдаленные результаты применения сверхэластичных имплантов из никелида титана в лечении повреждений разгибательного аппарата коленного сустава // Сибирский медицинский журнал, 2013, -Т. 28,1.- С.83-87.

<sup>2</sup> Дьячкова Г.В., Бакарджиева А.Н., Дьячков К.А. Определение чувствительности и специфичности МРТ и УЗИ при обследовании больных с повреждениями элементов коленного сустава // Гений ортопедии, 2014, №1. -С.21-29

<sup>3</sup> Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-№4063 «О мерах профилактики неинфекционных заболеваний, поддержке здорового образа жизни и повышению уровня физической активности населения» от 19 декабря 2018 года

улучшение методов диагностики и лечения, профилактика осложнений, внедрение современных технологий, а также улучшение качества своевременного оказания медицинской помощи пациентам.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан ПФ-№4985 «О мерах по дальнейшему совершенствованию неотложной медицинской помощи» от 16 марта 2017 года, ПФ-№5590 «О комплексных мерах по кардинальному улучшению системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года; Постановлением № ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» от 20 июня 2017 года и другими нормативно-правовыми документами.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

